

**С. Б. Махмудов**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

## **ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Ушбу мақолада миллий иқтисодиётимизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъавий усулларини ривожлантиришни такомиллаштириш масалалари ўзига хос хусусиятлари бўйича ўрганишлар асосидаги муҳокама ва хулосалар кўзда тутилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *инвестиция, инвестор, инвестиция фаолияти, венчурли молиялаштириш, синдициялаштирилган кредитлаш, лизинг, селенг, қимматли қоғозлар.*

## **IMPROVEMENT OF UNCONVENTIONAL METHODS OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITIES**

*This article provides a discussion and conclusions based on a study of the features of improving the development of non-traditional methods of financing investment activities in our national economy.*

**Key words:** *investments, investor, investment activity, venture financing, syndicated lending, leasing, selenium, securities.*

### **КИРИШ**

Республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган ҳар хил манбалар, шу жумладан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан, кредитлар эвазига ҳамда қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига амалга оширилади.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади.

Ҳозирги даврда инвестиция фаолиятини молиялаштириш жуда муҳим вазифалардан бири бўлмоқда. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш деганда, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни амалиётга мақсадли жорий этиш, шунингдек, мониторингини олиб бориш харажатларини қоплаш учун энг арзон ҳамда оптимал инвестиция ресурсларини шакллантириш ва уларнинг ҳисоб-китобини чиқариш ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни юксалтириш, замонавий техника ва юқори инновацион технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни ташкил қилиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш жуда муҳим аҳамиятга касб этади. Бу авваламбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, бюджет даромадлари қисмида ўсишида кескин бурилиши, мамлакат ялпи ички маҳсулотларининг ошишига ҳамда олтин

валюта заҳираларини ортиши каби муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратади. Шу боисдан ҳам инвестиция фаолиятини молиялаштиришда анъанавий ва ноанъанавий усуллар орқали молиялаштиришни рағбатлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

### ***Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили***

Ўзбекистоннинг фаол инвестиция сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларида марказлаштирилган капитал қўйилмаларни салмоғини камайтириб, молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этишни такомиллаштирилиб борилаётганлиги муҳимдир.

Мамлакатимизда корхоналар инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият олиб боришларига алоҳида эътибор қаратилган. Лекин шундай бўлсада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас. Мамлакатимиз худудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ўта қониқарсиз аҳволда қолмоқда” [1].

Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усуллурини такомиллаштириш соҳасида жуда кўп иқтисодчи олимлар илмий изланиш олиб борган.

Америкалик иқтисодчилар Ж.У.Фени, Н.Лайанг, С. Прауз, П.Д. Джонсонлар венчур капитали-кичик бизнес инновацион корхоналарини акциядорлик капиталини молиялаштириш деб тушунтириб ўтганлар [2].

Канада банкининг монетар ва молиявий таҳлиллар бўлими мутахассиси Дж.Армстронг синдициялаштирилган кредитларга қуйидагича таъриф беришни таклиф этади: “Бу кредитлашнинг шундай инструментики, яъни молия бозорининг иштирокчиларига кредит рискларини тўғри прогноз қилиш имкониятини беради” [3].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Йўлдошев Н.Қ. “Лизинг - машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага олиш, давлат одатда уларга банкдан қарз олишлари учун имтиёзли шароитлар яратиб беради” [4], Ф.Ш. Каримов “Селенг-лизингнинг бир тури бўлиб, унинг қўлланилиши бирлашган Европа лизинг жамияти томонидан ишлаб чиқилган қоидалар билан аниқланилади. Селенг икки тарафлама жараён бўлиб, масъулиятнинг махсус усулидир” деб таъриф беради [5].

Р. Коста краудфандинг феноменини кенг ўрганиб, краудфандинг барқарор ривожланиш даражасини, тадқиқотчилар ва жамиятнинг унга бўлган қизиқишини ортиб борилаётганини ўз илмий ишларида таҳлил қилиб чиққан. Буни натижаси шуни кўрсатадики краудфандинг анъанавий молиялаштиришбозорининг ўзгартиришга олиб келади [6].

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида республикамизда инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик

асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ёритилган. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларига таъсир этувчи омиллар асосида ривожланиш йўллари тадқиқ этиш ва уларни молиявий таъминлашнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича чуқур тадқиқотларни амалга оширишни, буларни мамлакатимиз амалиётига тадбиқ қилиб инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларини шакллантириш жараёнларини жадаллаштириш лозимлигини талаб қилади.


### ***Тадқиқот методологияси***

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, грухлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ва зарурати асосланди ва инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларини ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Инвестиция фаолиятини иқтисодий бошқариш йўли бевосита молиявий дастакларни ишга солиш билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида, инвесторларнинг инвестиция лойиҳасини амалга оширишда манфаатдорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш доимо инвесторлар билан боғлиқ бўлиши уларнинг молиявий ва иқтисодий манфаатларини амалга оширадиган лойиҳаларда юзага чиқаришга қаратилади. Бунда инвестиция лойиҳасини молиялаштириш орқали юзага келадиган инвестиция фаолиятдан унинг ҳар бир иштирокчилари сингари, албатта, давлат ва жамият самара кўриши ҳам талаб этилади [7].

Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъавий усулларини ривожлантириш масалалари бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъавий усулларига синдициялаштирилган кредитлаш, лизинг ва селенг, венчурли молиялаштириш кабиларни мисол келтиришимиз мумкин.



### 1-расм. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усуллари<sup>1</sup>

Синдикат-бир тармоқ тадбиркорлари томонидан ортиқча рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишнинг бирлаштирилиши. Синдикат-монополистик бирлашманинг картелга нисбатан юқорироқ шакли, бир хил оммавий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бирлашмаси. Унда иштирок қилувчилар мустақилликка эга бўлишади, бироқ ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлашманинг маҳсулоти сифатида сотилади.

Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг халқаро амалиётдаги самарали усулларида ҳисобланган синдициялаштирилган кредитлаш усулининг сустривожланганлиги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Синдициялаштирилган кредитлаш-кредит муносабатларини ривожлантирувчи самарали молиявий воситалардан биридир. Кредит олувчи учун-синдициялаштирилган кредитлаш катта ҳажмдаги молиялаштиришнинг энг қулай ва тез усули бўлса, кредиторлар учун эса синдикатларга бирлашуви кредит рискларини камайтириш билан бир қаторда бир потенциал кредиторнинг бошқа кредиторнинг синалган мижозлари билан ҳамкорликда ишлаш имкониятини очиб беради. Бундан ташқари, синдициялаштирилган кредитлаш-кичик кредиторларни йирик ҳажмдаги лойиҳаларни молиялаштириш имкониятини бир неча баробарга оширади.

Ўзбекистонда синдициялаштирилган кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби

<sup>1</sup> Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида муаллиф томонидан мустақил тузилди

тўғрисида”ги Низоми ва 2018 йил 1 октябрда унга киртилган ўзгаришлар билан тартибга солинади.

Ушбу Низомга асосан:

- синдициялаштирилган кредит - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш;

- йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси;

- банк синдикати - синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув;

- етакчи банк - синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк;

- иштирокчи банк - синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банк.

Синдициялашган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади. Синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига тенг улушда акс эттирилади.

Республикамизда венчурли молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги “Инвестиция ва бошқарув компаниялари фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги414-сонли Қарорига асосан амалга оширилади. Ушбу Низом инвестиция ва бошқарув компанияларининг мақсадлари, вазифалари, функциялари, мезонлари, фаолият турини, шу жумладан, венчур молиялаштиришни амалга оширишда инвестиция ва бошқарув компаниялари мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди, шунингдек, уларнинг муносабатларини тартибга солади.

инвестиция компанияси-бошқарув компанияси томонидан кейинчалик инновацион ва бошқа истиқболли лойиҳаларга киритиш учун малакали инвесторларнинг жалб этилган маблағларини шакллантириш ва жамлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи тижорат ташкилоти;

бошқарув компанияси-инвестиция компаниясининг инвестиция ҳиссасини улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бошқарадиган тижорат ташкилоти;

венчур фонди-жамланган пул маблағларини фақат юқори хавфли венчур лойиҳаларига инвестиция қилиш учун мўлжалланган, бошқарув компанияси бошқарувидаги инвестиция компанияси;

малакали инвесторлар-миллий валютада ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисса киритилган кундаги курси бўйича хорижий валютада 500 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдордаги пул маблағлари тарзидаги инвестиция ҳиссаларини инвестиция компанияларига киритган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий шахслар;

инвестиция ҳиссалари-малакали инвестор томонидан инвестиция компаниясига инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун берилган ва инвестиция компаниясининг устав капиталига улуш ҳисобланмайдиган пул маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли Фармонида мувофиқ венчурли молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида “Инвестицион ва бошқарув компаниялар тўғрисида”ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майда 414-сонли қарори билан тасдиқланди.

Бугунги кунда 4 та инвестиция компанияси, 1 та венчур фонди ва 1 та бошқарув компанияси ташкил этилди.

1. Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси.

Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 майдаги ПФ-5722-сон фармони қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) ўртасида 2019 йил 24 мартда устав фонди миқдори 10 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномаси имзоланган ва компания инвестиция портфели шаклланиб боришига мувофиқ устав фондининг босқичма-босқич 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган миқдорга етказилиши белгиланган.

2. “Венчур Капитал Инвест” инвестиция компанияси.

“Венчур Капитал Инвест” масъулияти чекланган жамият шаклидаги Инвестиция компанияси 2019 йил 26 апрелда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш маркази томонидан рўйхатга олинган.

3. “Vodiy Investments” инвестиция компанияси

“Фарғона водийсида тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.06.2019 й.даги 542-сонли Қарори асосида ташкил этилган.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бошқарув компанияси томонидан жалб қилинган малакали инвесторларнинг пул маблағларини кейинчалик саноат тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, инфратузилмани ривожлантириш бўйича истиқболли бизнес-лойиҳаларга, шунингдек, бизнеснинг айланма капиталини молиялаштиришга сарфлаш учун шакллантиради ва жамлайди.

4. “UZAssets” инвестиция компанияси

“UZAssets”га иқтисодийнинг тур-ли тармоқларига мансуб бўлган ва йирик субъектлар саналган “Кварц”, “Қизилқум-цемент”, “Урганч шароб”, “Ўзбекистон шампани”, “Денов вино арок”, “Кафолат суғурта компанияси”,

“Олмазор кичик саноат зонаси” акциядорлик жамиятлари, “Ўзгеорангмет ЛИТИ” ва “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” давлат унитар корхоналари берилмоқда.

Айтиш мумкинки, янги инвестиция компанияси хусусийлаштириш бўйича ўзига хос “лаборатория” вазифасини ўтайди.

Келгусида ижобий натижаларга қараб бундай корхоналар сони ошириб борилади. Шунингдек, инвесторларнинг қизиқиши ва жаҳон ҳамда минтақа бозорида умумий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан мазкур инвестиция компаниясига қўшимча активлар ҳам берилиши мумкин.

5. “Vodiy Investments Management” бошқарув компанияси.

“Фарғона водийсида тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 июньдаги 542-сон қарорида “SFI Management Group” ХК МЧЖ бошқа инвесторлар билан биргаликда “Vodiy Investments” инвестиция компанияси ва “Vodiy Investments Management” бошқарув компаниясини ташкил этилиши белгиланган.

“Vodiy Investments Management” Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бошқарув компанияси томонидан жалб қилинган малакали инвесторларнинг пул маблағларини, тадбиркорлик субъектларининг айланма капиталини молиялаштиришга сарфлаш учун шакллантириш ва жамлаш фаолиятини амалга оширадиган Vodiy Investments” инвестиция компаниясининг инвестиция қўйилмаларини бошқаради. Мазкур вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда молиялаштириш ва баҳолаш учун истиқболли бизнес-лойиҳаларни топиш билан шуғулланади.

6. “Astron” венчур фонди

“Astron” венчур фонди иқтисодиётимиз ривожланишига ўз ҳиссасини қўша оладиган самарали лойиҳаларни танлаб олиб, юқори потенциалга эга, даромад келтирадиган венчур лойиҳаларига инвестиция қилиш фаолияти билан шуғулланади.

1-жадвал

**Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан венчур молиялаштиришга тавсия этилган устувор инновацион, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳаларининг йўналишлари<sup>2</sup>**

№	Лойиҳанинг номи	Сўралган маблағ (млрд. сўм)	Лойиҳани амалга ошириш муддати (йил)	Лойиҳа тури
1	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган композит полимер материалларни қурилишда саноат усулида қўллаш шароитларини яратиш	1,5	2	Инновацион

<sup>2</sup> <https://mininnovation.uz/uz/menu/venchur-molijalashtirish>

2	Ерларни нуқтали услуб билан суғориш учун грунт сувларидан фойдаланиш бўйича куёш энергиясида ишловчи автоном мажмуани ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва уни ишлатиш.	44,6	3	Инновацион
3	Сайёҳлар оқимида хизмат кўрсатишнинг инновацион тизими.	37	2	Инновацион
4	Ультра-ихчам шаҳар электромобилини яратиш.	28,8	4	Стартап
5	Инновацион соғломлаштирувчи марказ.	17,3	5	Инновацион
6	Агротехника, автомобилсозлик, тўқимачилик ва авиасозлик саноатини, энергетика, юқори технологик (инновацион) компонентлар ва дори воситаларининг импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш.	15	7	Тажриба-конструкторлик
7	Павлония Олтин дарахтининг даромад сирлари лойиҳаси	13,8	5	Инновацион
8	Ўсимтага қарши ҳамда бошқа миллий препаратларни маҳаллий ўсимлик хом ашёлардан ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш.	13,3	2	Стартап
9	Лойиҳалаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан бирга Навоий тоғ-металлургия комбинатининг ГМЗ-2 ЦРУ омборларини булк туридан бирлаштирилган турга ўтказиш бўйича изланишлар.	79,3	3	Инновацион
10	Сенсорли ва квазисенсорли улагичлар ишлаб чиқариш.	5,7	3	Стартап
11	Канализация чиқиндилари ва ТБО дан биоёнилғи ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳа.	4,7	3	Инновацион
12	Данакли мевалардан кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кластери технологияларини яратиш.	3,5	5	Стартап
13	Маҳаллий хомашё ва техноген чиқиндилар асосида автоклав қотиш газобетон технологиясини ишлаб чиқиш.	3,3	2	Инновацион
<b>ЖАМИ:</b>		<b>267,8</b>		

Инвестиция лойиҳалари венчур капитали ҳисобига молиялаштириш илмий-тадқиқот ишланмаларнинг тижоратлашувида, яъни инновацион ғоя тайёр инновацион маҳсулотга айланишига молиявий ёрдам беради. Ундан ташқари, илмий-тадқиқот ишланмаларга бўлган талаб венчурли инвесторларга юқори даромад олишга имконият яратиб, давлатга инновацион ривожланиш йўлига ўтишга, илм-техника тараққиёти даражасини оширишга туртки бўлади.

Лизинг-молиялаштиришнинг энг самарадорли усулларидан бири бўлиб, корхоналарга асосий воситаларни янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, солиқ ва жорий харажатларини камайтириш имконини беради.

Ҳозирги шароитда асосий восита сотиб олиш эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона, эртами кечми, пул воситаларини йўналтириш усуллари танлови



қаршида қолади. Харид амалга ошириш учун корхонанинг пулларини сарфлаш, молиялаштириш учун банк ташкилотларида кредит расмийлаштириш ёки мулк ва техникаларни лизинг шартлари асосида қўлга киритиш мумкин.

CLG (юридик номи - China Leasing Group) 2009 йилнинг июнь ойида рўйхатдан ўтган. 2016 йилнинг бошидан бошлаб ташкилот барча етказиб берувчилар билан ишламоқда ва классик шаклдаги лизинг компанияси сифатида ўзини ўрнига эга.

Бугунги кунда корхона исталган таъминотчи ва барча лизинг шакллари, жумладан back-лизинг билан ҳам ишлайди.

Ўзбекистон Лизинг берувчилари Ассоциацияси рейтингига мувофиқ, **CLG** мамлакатнинг 126 та лизинг компаниялари ва банклари орасида кучли ўнталикка кирди. Фақат лизинг компаниялари хусусида сўз борганда, бу компания рейтингнинг кучли бешлигидан мустаҳкам ўрин олган. Шунингдек, CLG республика бўйлаб лизинг хизматларини кўрсатувчилар хусусий секторида биринчи ўринни эгаллаб турибди.<sup>3</sup>

Лизингни молиялаштиришнинг бошқа усулларига қиёслайдиган бўлсак, қуйидаги муҳим жиҳатларни санаб ўтишимиз даркор:

1. Лизинг корхонага бир вақтнинг ўзида харажатларни камайирган ҳолда, лозим бўлган мулкни керакли миқдорда сотиб олиш имконини беради. Шунингдек корхонанинг ўз маблағларини йиғиш зарурати қолмайди, аксинча маблағлар хомашё ва тайёр маҳсулот захиралари, дебиторлар билан ҳисоб китоб қилишга йуналтирилади. Айнан лизинг корхона фаолияти учун асос булган айланма маблағларни катта миқдорда сарфламаган ҳолда техник базани янгилаш имконини беради;

2. Лизинг мажбуриятлари бўйича тўловлар маҳсулот таннархига қушилади, бу эса даромад солиғи ҳисобланишида маълум бир миқдорда маблағларни тежаш имкониятини яратади;

3. Шунингдек лизинг объектига нисбатан 3 баробаргача тезлатилган амортизация ҳисоблаш имконияти мавжуд. Айнан шунинг ҳисобига корхона қиска муддат ичида таннарх ҳисобига лизинг харажатларини қоплаб олиши мумкин. Лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин лизинг олувчи корхона мулкни жуда оз қийматда, деярли ноль қолдиқ қийматида балансига олади. Яъни корхона келажакда «Асосий воситалар амортизацияси» сатридаги сумманинг камайиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари камайтирилиши мумкин. Лизинг муддати тугаган мулкни бозор нархида сотиб юбориш мумкин, бозор нархи эса қолдиқ қийматдан бир неча баровар юқори бўлади;

4. Лизинг шартномаси имзоланиши жараёнида, мижознинг молиявий ҳолатига қуйилган талаблар банк кредит комиссиясига нисбатан лизинг корхоналарида анча соддалаштирилган. Бинобарин банк ташкилотининг

---

<sup>3</sup> <https://clg.uz/uz/leasing/advantages/>

кредит бўлимидан маблағ олишга нисбатан лизинг орқали молиялаштириш эҳтимоли юқорирак.

Селенг-лизингнинг бир тури бўлиб, унинг қўлланилиши бирлашган Европа лизинг жамияти томонидан ишлаб чиқилган қоидалар билан аниқланилади. Селенг икки тарафлама жараён бўлиб, масъулиятнинг махсус усулидир. Бу масъулият ўз навбатида, мол-мулк шартномаси билан боғлиқ ва унда мулкдор ўз мулкни ишлатиш ва бошқариш ҳуқуқини маълум бир миқдордаги тўлов асосида селенг компаниясига беради. Лекин мулкдор ўз мулкнинг эгаси бўлиб қолаверади ва ушбу мулкни доимо ҳамда хоҳлаган пайтда қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Селенг компания бундай жалб қилинган мулкларни ва мулкий ҳуқуқларни ўз билганича ишлата олади. Мол - мулк сифатида қуйидаги мулкдорлик ҳуқуқи объектлари ишлатилиши мумкин: пул, қимматли қоғозлар, ер майдонлари, корхоналар, бинолар, жиҳозлар ва ҳақозо.

Молиялаштириш нуқтаи-назаридан, селенг компаниялар банк муассасаларига ўхшаб кетади. Фуқаролар кўпинча селенг компанияларга ўз пулларини топширишни афзал кўрадилар. Чунки пулини селенг компанияга топширган шахс унга эгалик ҳуқуқини йўқотмайди. Селенг компания банкларга ўхшаб, захира фонд сифатида ишлатиш учун катта миқдордаги капитални банд қилиб қўймайди. Солиққа тортишда ҳам баъзи бир фарқлар вужудга келади. Шунинг учун ҳам селенгни иқтисодиёт чуқур таназзулга учраган пайтларда қўллаш яхши натижалар беради.

Селенг таваккалчилик шароитида тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун самарадор механизм ҳисобланади, чунки бунда селенг жуда ҳам муҳтож корхоналарга молиявий ёрдам бериш имконига эга бўлади. Селенг - аҳолидаги ортикча маблағларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва иқтисодиётни жонлаштириш учун реал механизмдир<sup>4</sup>.

### ***Хулоса ва таклифлар***

Республикамиздада инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларини кенгайтиришда ноанъанавий молиялаштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини республикамиздаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Шунинг учун, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ноанъанавий молиялаштириш имкониятларини таркибий қайта қуриш иқтисодий ислохотларнинг тузилиши ва пропорцияларини ўз ичига олувчи минтақавий жиҳатларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

---

<sup>4</sup> <https://economics.studio/finansy-kredit/vopros-lizing-seleng-56113.html>

Инвестиция фаолиятини ноанъанавий усуллар орқали молиялаштиришда инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш ва уларнинг самарасини оширишда қуйидаги йўналишларда фаол ислохотларни олиб бориш лозим:

1. Иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳаларда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларининг ҳаракатларини бирлаштириш, инвестицион консалтинг тизимини ривожлантириш ва инвестиция портали шаклида электрон майдон ташкил қилиш;

2. Тижорат банкларининг халқаро синдициялашган бозордаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини ривожлантириш ва кредитлашнинг бу тури бўйича хорижий банklar билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда мамлакатимиздаги йирик лойиҳаларга уларнинг маблағларини жалб этиш лозим.

3. Лизинг берувчиларнинг молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш лизинг фаолияти ривожланишини белгиловчи омилларидан биридир. Лизинг компаниялари тўғридан-тўғри чет эл кредитларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқишлари, лизинг битимларини молиялаштириш учун фойдаланиладиган ресурсларни жалб этиш мақсадида суғурта компаниялари билан ҳамкорлик қилишлари зарур. Суғурта компаниялари банklar олдидаги кредит линиялари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун лизинг компанияларига қўшимча таъминот тақдим этади. Бунда улар хориж мамлакатларидан ускуналар ёки техника етказиб бериш бўйича шартномаларни тузишда экспорт агентликларининг суғурта полиси остига бериладиган кафолат таъминотидан фойдаланади. Ўз навбатида, бу лизинг битимларини эркин айирбошладиган валютада молиялаштириш ҳажмларининг ошишини рағбатлантиради.

4. Селенг-компания фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг мулкани ва шахсий мулк ҳуқуқларини ўз хоҳишларига кўра жалб қилади ва бемалол фойдаланади. Мулк ҳуқуқи сифатида турли хил мулк объектлари ҳаракат қилиши мумкин: пул, қимматли қоғозлар, ер, корхоналар, бинолар, жихозлар ва бошқалар. Агар танланган компаниядан ижарада пул олган тадбиркорлик субъекти банкрот бўлган бўлса, унда банкротлик тўғрисидаги қонунга биноан, асл эгаларига тегишли бўлмаган барча нарсалар ҳақиқий эгаларига қайтарилади (шу жумладан ижарага берилган пул), қолган мол-мулк ким ошди савдосида сотилади ва қарз берувчилар ўртасида бўлинади. Шу сабабли, банklar кредитларнинг қайтарилмаслиги хавфини қоплаш учун захира фондларини яратиши керак.

5. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини

халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини тез фурсатларда такомиллаштириш керак.

### ***Фойдаланилган адабиётлар***

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 104 б.
2. Стратегическое развитие малаго бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства [Электронный ресурс]: монография. Нижний Новгород: НОО “Профессиональная наука”, 2018.-Режим доступа: <http://scipro.Ru/Conf/monographbusiness>.
3. Armstrong J. The syndicated Loan Market: Dewelopments is in the North American Context.// Bank of Kanada Working Paper 2003-15, June 2003.
4. Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисоди.Т.: ТДИУ, 2005 й. 264 б.
5. Ф.Ш. Каримов. “Кичик бизнесни бошқариш”. Дарслик. Т.: ТМИ, 2010. 210 б.
6. CarlaMartínez-Climent,Ricardo Costa-Climent “Sustainable Financing through Crowdfunding” [www.mdpi.com/journal/sustainability](http://www.mdpi.com/journal/sustainability)
7. Naydarov, U. A. (2020). Financial management system, tools, sources of investment activities and factors. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81), 14-18. SoI: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-01-81-3> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 2000. e-ISSN: 2409-0085. (№1. Global impact-factor 0,656).